

ЯШАШ ҲУҚУҚИ ИНСОННИНГ ТАБИЙ ҲУҚУҚИДИР

Г.С. Шарипова,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш” кафедраси доценти, ю.ф.н.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимиз худудидаги барча ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи умумий нормаларнинг ягона манбаи ҳисобланади.

Маълумки, Бош қонунимизнинг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суюқасд қилиш энг оғир жиноятдир» - дейилади.³⁶

Яшаш ҳуқуқи инсоннинг табиий ҳуқуқидир, унга ҳар бир инсон жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, дунёқараши, шахсий ва ижтимоий аҳволидан қатъий назар эгадир

Шахсий дахлсизлик ва эркинлик ҳуқуқи ҳуқуқнинг турли соҳалари билан, шунингдек жиноят ҳуқуқи билан муҳофаза қилинади, унда бу ҳуқуқларга тажовуз қилганлик учун жавобгарлик ўрнатилиб, турли жазо чоралари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва унинг энг муҳим мақсадли вазифалардан бири фуқаролик жамиятни қуриш бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида халқаро эътироф этилган

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., Ўзбекистон, 2021 й

нормалар асосида ҳамда миллий анъаналар ва халқ урф-одатларини инобатка олган ҳолда оқилона ва изчил таризда амалга оширилмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳуқуқий органларнинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлар экан, ходимлар масъулиятини ошириш лозимлигини ҳамда уларнинг касб маҳорати ва ахлоқий сифатларига бўлган талабни ошириш зарурлигини уқтирди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида содир этилган жиноятни тўғри аниқлаш ва ҳақоний баҳо бериш учун етарли бўлган хусусиятларнинг мавжуд бўлиши шартдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 16-моддасида қуйидаги сатрлар мавжуд: «Жиноят учун жавобгарлик - жиноятдир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси кулланишда ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир. Ушбу Кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос булади»².

Яшаш ҳуқуқига тажовуз қилувчи жиноятларни ўрганишга ҳозирги замон юридик адабиётларида алоҳида эътибор қаратилмокда. Бу ҳозирги пайтда бундай жиноятларининг кенг тарқалаётганлиги, унинг жамият ҳаётига таҳдид даражаси ошиб бораётганлиги билан изоҳланади.

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Т.2021 й.

Инсоннинг яшаш ҳукукини эълон қилувчи ва мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, жинойт жазоларни янада либераллаштириш борасида мазкур фармонлар эълон қилинди.

Муайян жинойт ижтимоий муносабатларнинг айрим субъектига қаратилса ва унинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказса, унда жинойтнинг бевосита шахснинг маълум бир ҳуқуқлари: яшаш, соғлиги, шаъни каби ҳуқуқлари ҳисобланади. Яшаш ҳуқуқи ҳимояси остида инсоннинг халқаро шартномаларда қурсатилган ва мустаҳкамланган нормалар ва бу ҳуқуқни ҳаётда амалга оширилишида давлатларнинг мажбурийлиги ва давлатларнинг ҳуқуқ йуналишидаги халқаро мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиб турувчи халқаро механизмларни яратиш ва яқка шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги тушунчалар ёритилишини тушуниш мумкин.

Бизга малумки давлатнинг бош вазифаларидан бири инсон ҳақида ғамхўрлик қилишдир. Бинобарин Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон омили, унинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари белгиланган. Конституция нормаларида, ҳар қандай ҳолатдан қатъи назар, шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари мустаҳкамланган, кафолатланган ва ҳимоя қилинган. Чунончи Конституциямизнинг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан

қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар, деб қайд этилган бўлса, унинг 19-моддасида «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қуйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қаровисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас».

Аҳолининг турмуш даражасини яхшиланиши, иш билан таъминланиши, ижтимоий ҳимоя чораларини кўрилиши, бола савдоси ҳодисасини олдини олувчи энг асосий омилдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш масалаларига энг муҳим вазифалар сифатида қараб, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланганлиги аҳоли турмуш даражаси ошишига давлат сиёсати даражасида аҳамият берилаётганлигидан далолатди³⁷³⁸. Конституциянинг «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар», «Сиёсий ҳуқуқлар», «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» деб номланган бўлимларида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базаси ўз аксини топган.

«Давлат, деб таъкидланади Конституциянинг 43-моддасида, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди» дейилган.

³Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. Тошкент. 2017й. 22.12. www.uza.uz

Ҳар бир киши туғилиши биланок, муайян куламдаги (моддий ва маънавий) фаравонликлардан фойдаланиш борасида ажралмас ҳ,уқ;уқларга эгаки, уларни ана шу ҳуқуқлар билан таъминлашда жамият ва давлат кумаклашмоғи керак. Яшаш ҳуқуқи фақат шахс эркинлиги (автономлиги, суверенлиги) реал бўлган шароитдагина тулақрили бўлади. Инсон жамиятдаги ўзгартиришлар, ислохотларнинг воситаси эмас, балки мақсади деб қаралиши лозим. Яшаш ҳ,уқ;уқ.и инсоннинг жамиятда мавжудлиги билан белгиланадиган ҳдмда ҳуқуқий жихатдан мустаҳкамлаб қуйилган табиий, бегоналашмайдиган ва бўзилмас эркинликлар, ҳуқуқий имкониятлар мажмуидир.

Модомики инсон, унинг ҳаёти, соғлиги, шаъни, кадр - киммати, даҳлсизлиги ва ҳавфсизлиги олий қдриятлар ҳисобланар экан, демак ана шу қдриятларни ҳимоя қилиш юридик фан ва амалиёт зиммасидаги устувор вазифага айланмоғи шарт . Яшаш ҳуқуқини белгиловчи қрнун нормалари давр тақрзоси билан олий юридик қучга эга меъёрлар сифатида намоён булиши табиий. Шу маънода, ҳдр қандай ҳуқуқий низоли муносабатларда шу меъёрларни, фақат шуларни афзал билиш, ҳар гал барча шубҳа - гумонларни фуқаро фойдасига талкин этиш ва бунда унинг фозиллиги тамойилларидан келиб чиқиш лозим. Яшаш ҳуқуқи демократик конституциявий ҳуқуқнинг жавоби сифатида намоё бўлиб, охириги вақтларда ривожланаётган ҳалқаро ҳуқуқнинг давлат ва жамиятнинг индивидга

нисбатан бўладиган турли хил тазйикларидан химоя килувчи восита бўлиб хизмат килмокда.

Яшаш хуқуқининг бўзилиши шахсий муаммо бўлибгина колмай, балки ижтимоий ва сиёсий бошбошдокдик ва жамиятни емирилиши ва давлат билан жамият уртасига нифок. солиб куйювчи восита бўлиб крлиши х,ам мумкин. Яшаш хуқуқини химоя кқилиш давлатнинг биринчи галда миллий, ички хқуқуқий воситаси бўлиб хисобланади.

"Яшаш хуқуқи" атамаси Инсон хуқуқлари умумжахон декларациясининг 18 - моддасида кўрсатиб ўтилган. Бу гурухлардан шахсининг дахлсизлик хуқуқларини ажратиш мумкин (яшаш хуқуқи, эркинлик, шахсий дахлсизлик хуқуқи, тажовўзлардан химояланиш, ноқонуний хибсга олиш, куллик, шахсий хаётга ноқонуний аралашиш, мулкдор булиш хуқуқи, эркин кўчиб юриш, эркин фикрлаш, виждон ва диний эркинлик каби хуқуқлардир³⁹ . Яшаш хуқуқи бизга туғилишимиз давридан бошлаб берилган бўлиб, биз бу хуқуқсиз инсон сифатида яшай олмаймиз. Яшаш хуқуқи бошка хуқуқлардан икки жихати билан ажралиб туради: биринчидан, хар бир инсон инсон сифатида мавжуд бўлгандан буен бу хуқуқга эгалик килади.

Яшаш хуқуқини келтириб бериш ёки бирор жойдан сотиб олиш мумкин эмас. Маълум бир крнун доирасида яшаш хуқуқи булинмайди ва тенг даражада хар бир инсонга тегишли бўлади. Иккинчидан, яшаш хуқуқини назорат қилиш мажбурияти бошқд шахсларга эмас, балки

³⁹ "Инсон хуқуқлари умумжахон декларацияси" - 1948 й

давлат ва унинг органларига юклатилган. Бошқача сўз билан айтганда, давлатлар зиммасида яшаш ҳуқуқи бўзилишини олдини олиш ва бирор-бир шахснинг ҳуқуқлари бошқа бир шахслар томонидан бўзилишидан ҳимоя қилиш мажбурияти ётади.

Яшаш ҳуқуқи қонун билан ҳимоя қилиниши керак (қонун устиворлиги тамойилига кўра).

Бундан ташқари, яшаш ҳуқуқи билан боғлиқ қонун бўзилишлари ҳолисона, одил, мустакил суд органи томонидан ҳимоя қилиниши керак ва унда чиқариладиган ҳукм қонун доирасида ҳал қилиниши ва унда ҳамма тенг ҳуқуқлардан фойдаланган бўлиши керак. Яшаш ҳуқуқи давлатнинг ўз кучидан уларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлардан фойдаланмаслиги учун ишлаб чиқилди. Шунинг учун, яшаш ҳуқуқи ғояси биринчи навбатда давлат томонидан маълум бир фаолиятларни амалга оширишидан ўзини тийиб туриши учун йуналтирилган вазифа бўлиб ҳисобланади. Яшаш ҳуқуқи ғоясининг шаклланиши инсоннинг ер юзида инсон сифатида яшаши, таъминланиши, ҳимояланиши учун ёрдам бўлди. Бу муносабатларда яшаш ҳуқуқи давлатларга маълум бир инсоннинг шахсий ривожланишида куриладиган чоралар куришда йуналиш бўлиб хизмат қилади.

"Кучли ҳокимят" демократик жамиятда аниқлик, яқдилликка таянади ва ўз йуналишини ҳуқуқ куч деб эмас, балки яшаш ҳуқуқи ва шахсий кадр -қиммат ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ҳисси билан ёндошишга ҳаракат қилади. Индивиднинг ҳуқуқий макomini жамият

хуқуқий мақоми билан солиштирганда улар ўртасида маълум бир йўналишлар, фарқлар намоён бўлишини кўришимиз мумкин бўлади.

Илмий жihatдан яшаш хуқуқи атамасининг пайдо бўлиш муаммоси табиий хуқуқларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ.

Жамиятнинг ривожланиши натижасида яшаш хуқуқи идеал категориядан реал категорияга айлана бошлади. Улар давлатларнинг хуқуқий ва халқаро хуқуқий ҳужжатларида мустаҳкамлаб қуйилди ва давлатларнинг у ёки бу хуқуқий тизимининг демократик жihatларида намоён була бошлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганидан кейин радикация этилган биринчи халқаро ҳужжат "Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси"дир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки инсоннинг улуглаш, унинг хошиши, иродасини қафолатлаш орзу умидларини тула руйёбга чиқаришни ўзининг бош мақсади қилиб белгилаган мустақил давлатимизнинг етакчи тамоилларини ана шу муҳим халқаро ҳужжатга мувофиқлаштириш назарда тутилган эди.

Яшаш хуқуқи -инсонга жамиятнинг барча жабҳаларида инсон сифатида яшаш ва инсоний кадр - кимматга эга бўлиш учун хизмат қилувчи восита бўлиб ҳисобланади. "Хуқуқ" термини билан бирга "эркинлик" атамаси бирга ишлатилади: виждон эркинлиги, динга эътиқод қилиш эркинлиги, фикрлаш ва сўзлаш эркинлиги қабилар. Мазмун ва тузилиши жihatидан бу категориялар тенг деб айтсак бўлади. Адабиётларда ва қонунчиликда "фуқаро хуқуқи", "шахс

хуқуқи" атамалари ҳам мавжуд. Яшаш хуқуқи табиий табиатга эга ва шахснинг ажралмас хуқуқи, у худудга ва миллатга эга эмас, давлатларнинг конунчилигида мустахкамлаб куйилганидан катъий назар мавжуд ва халқаро - хуқуқий бошқарувнинг ва яшашнинг объекти ҳисобланади. У инсонни инсониятга тегишли эканлигини белгилаб берувчи восита сифатида намоён бўлиб ва шу аслида инсонни жамиятда яхши яшашини кўрсатиб берувчи хуқуқий база бўлиб хизмат қиладиган йуналишдир. Давлатнинг аниқ бир хуқуқий ҳужжатида яшаш хуқуқи мустахкамлаб куйилган бўлса, демак бу ҳаракат ўша давлатнинг фуқароларининг хуқуқлари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ривожланган давлатларнинг халқаро - хуқуқий ҳужжат, адабиёт ва конунчилик актларида "яшаш хуқуқи" тушунчаси бир х,ил маънода ишлатилиб келинмоқда.

Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларациясининг биринчи бугинида инсон қадр - қиммати "эркинлик, адолат ва бутунжаҳон тинчликнинг ҳисобланиши" ҳақида таъкидланади⁴⁰. Биз эгалик қилиб турган яшаш хуқуқи инсон бўлганлигимиз учун мавжуд. Бу алдамчи, оддий ғоя остида жуда катта ижтимоии ва сиёсий оқибатлар ётибди. Яшаш хуқуқи маъно ва норматив хуқуқий мазмун жихатидан инсоннинг жамиятда инсонпарварлик нуктаи назаридан баҳолаш мумкин бўлади.

1948 йилда «Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» қабул қилинди. Бу Декларация Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан

⁴⁰ "Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси" - 1948 й.

қабул қилиниб, XX асрда жуда бир муҳим давр бошланганини, яшаш ҳуқуқини поймол этиб келган, шахснинг кадр-қимматини ерга урган, бутун халқдарни эзиб, эркин таракдиёт ҳуқуқларидан маҳрум этган тоталитар тўзумлар, диктаторлик режимларни йукотиш учун кўраш бошланганлигини курсатади.

БМТ Уставининг муқаддимасида: «Биз, Бирлашган Миллатларнинг халқлари, инсоннинг асосий ҳуқуқлари, инсон шахсининг кадр-қимматига, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқларига ҳамда катта ва кичик миллатларнинг ҳуқуқий тенглигига ишончимизни яна бир қарра тасдиқлаб, БМТ Уставини қабул қилишга ва БМТни тўзишга қарор қилдик⁴¹» дейилган. 1945 йилда қабул қилинган Уставдаги бу сатрлар бугунги кунда ҳам амалда қўлланилиб, тўлдирилиб борилмоқда.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - 2021 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Т.2021 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. Тошкент. 2017й. 22.12. www.uza.uz
4. "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" - 1948 й.
5. БМТ Устави - 1945 й.

⁴¹ БМТ Устави- 1945 й.